



Кредит нақд пул шаклида бериладими?

Ўзини ўзи банд қиладиган фуқароларга 5 млн. сўмгача кредит нақд пулда берилди.

3-с.

«Миннатдорлик туйғуси куч ва рағбат беради»

Одамларнинг оғирини энгил қилишдек саовбли амалга иш деб эмас, инсоний бурч сифатида ёндашиш керак.



7-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАХАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Маҳалла

2024 йил
22 июнь,
шанба

№32
(2170)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Хажга борганлар маънавият тарғиботчисига айланыпти

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида Фарғона вилоятидаги 1 062 та маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, 3 296 нафар Хаж амалини адо этган фарғоналиклар, 850 нафардан зиёд соҳага масъул раҳбарлар билан учрашув ўтказилди.

2-с.

“Хамма гап бирдамликда”

Нима қилсам, ёшларга муносиб иш топиб бераман, деган савол менга тинчлик бермай қўйди. Фикру ўйим шу билан банд юрганда Президентнинг “Ешларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муаммога ечим бўлди.

4-с.

Паспортларни ID-карталарга алмаштириш вақти келди

Баъзида имконияти чекланган фуқароларнинг қариндошлари беморлар учун шахсини тасдиқловчи ҳужжатни янгиланиши кераги йўқ, деб ҳисоблашади. Бироқ амалдаги ҳужжат тўсатдан рўй бериши мумкин бўладиган турли ҳолатларда жуда зарур бўлади.

6-с.

Имконинг бўла туриб, кимгадир буюртма беришинг уят

Ҳаётда қийналган, кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб, миннатдорчилигини эшитишдан ортиқроқ бахт йўқ мен учун. Яхши натижаларни қўлга киритаётган аёлларни кўриб, янада руҳланаман. Ўзи нозик хилқат бўлса, иродаси ва матонати билан юртимизга нафи тегаётганлар қанча.

8-с.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“Еттилик” фаолияти таҳлил қилинди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва болаларни соғломлаштиришга бағишланган видеоселектор йиғинини бўлиб ўтди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари, Уюшманинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари иштирок этди. Кенгайтирилган йиғилиш аввалида маҳаллаларнинг бугунги фаолияти ва ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар ҳисоби тингланди. Маҳалла биноларининг ҳуқуқий-норматив ва кадастр ҳужжатларидаги мавжуд

камчиликларни бартараф этиш, маҳалла раисларининг билим кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижроси, “маҳалла еттилиги”нинг кундалик фаолияти муҳокама қилинди.

Ёзги таътил вақтида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, иқтидорли болаларни оромгоҳларга юбориш, турли кўнгилочар, ижтимоий-маънавий ҳамда спорт тадбирларини юқори савияда ўтказиш ва болалар хавфсизлигини таъминлаш борасида зарур топшириқлар берилди.

Онлайн мулоқот сўнгида навбатдаги йиғилишида муҳокама этиладиган устувор вазифа ва масалалар белгилаб олинди.

Давоми 2-саҳифада.



“Ижтимоий карта” тизими орқали транспорт ва коммунал соҳалардаги имтиёزلардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бундай карта идентификация картаси сифатида ҳам хизмат қилади.

МОҲИЯТ

Ижтимоий ёрдам содда, қулай, тизимли тарзда кўрсатилади

Вазирлар Маҳкамасининг “Темир дафтар” орқали ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



“ИЖТИМОЙ КАРТА” ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Қарорга кўра, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлимлари, маҳаллий бўлинмалари ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурига

ўтказилади. Жамғарманинг амалдаги молиялаштириш манбалари сақлаб қолинади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ва “маҳалла еттилиги” жамғарма маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш масаласини фақат ижтимоий ходимлар кейс-менеджмент асосида ўтказган ўрганишлари яқини бўйича шакллантирган тавсия бўлсагина кўриб чиқади. Зарур ҳолларда жамғармадан маҳалла фуқаролар йиғинлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан бир кун ичида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатилади.

Ҳужжатга асосан, “Темир дафтар”га киритиш ва жамғарма ҳисобидан ёрдам кўрсатиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг “Темир дафтар”га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-

ларга манзилли хайрия қилишларини таъминлаш мақсадида краудфандинг тизими жорий этилади.

Краудфандинг (инглизча “crowdfunding” – халқ томонидан молиялаштириш) – инсонларнинг жамоа бўлиб бирлашуви бўлиб, улар беғараз ўз маблағларини бирор лойиҳа ёки мақсадни амалга ошироқчи бўлган ташкилот ёхуд инсонга сарфлашлари ҳисобланади.

Яна бир янгилик – 2024 йил 1 октябрга қадар “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамларни “Ижтимоий карта” тизими орқали молиялаштириш тартиби жорий этилади. Ушбу карта орқали транспорт ва коммунал соҳалардаги имтиёزلардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бундай карта идентификация картаси сифатида ҳам хизмат қилади.

Давоми 2-саҳифада.

МАНЗАРА

“Бирор марта санаторийга бормаган раислар бор...”

Жорий йилда “Мираки” маҳалласига Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб “Туризм маҳалласи” макони берилди. Айтиш керакки, бу эътироф бизга юксак гурур ва ифтихор бағишлайди.

“Мираки” маҳалласидаги 1 144 та хонадонда 5 286 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий “драйвер” – туризм ва малиначилик. Худуд виқорли тоғлар бағрида жойлашгани боис табиати сўлим, сувлари зилол. Бу манзил ёз фасли келди, дегунча маҳаллий сайёҳлар билан тўлиб-тошади. Уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, ортада қолган йилда бу ерга келган хорижлик сайёҳлар сони минг нафардан ортди, 1 миллион нафарга яқин маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрди. Маҳалла бир пайтнинг ўзида 6,5 минг нафар туристга хизмат кўрсата олади.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

Маърифат маҳалладан бошланади



Наманган шаҳрида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, вилоят ҳокимлиги, “Маърифат” тарғиботчилар жаъияти ҳамкорлигида “Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш” мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

Давоми 2-саҳифада.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallaBot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

ЯНГИ НОРМА

“ТЕМИР ДАФТАР”ГА КИРИТИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Эндиликда оилаларни “Темир дафтар”га киритиш ва чиқаришда “маҳалла еттилиги” асосий ўринни эгаллайди. Бундай оилаларга бир йил давомида “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдамлар сони чекланмайди.



КЕЛГУСИ СОНДА ЎҚИҢ!



Шавкат Мирзиёевнинг тақдирга биноан Мўғулистон Президентини Ухнаагийн Хурэлсух 23-26 июнь кунлари ДАВЛАТ ТАШРИФИ билан мамлакатимизда бўлади.



Давлатимиз раҳбари туман ва шаҳарларнинг МАСТЕР РЕЖАЛАРИНИ ишлаб чиқишга оид тақдимот билан танишди.



Президентга ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Уюшма ва банк меморандум имзолади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ раҳбарини қабул қилди.

Уюшма раиси Қаҳрамон Куронбоев бугун маҳаллалар бизнес марказларига айланаётгани, банк мутасаддилари бевосита маҳаллага кириб боргани одамларнинг тadbиркорликка бўлган қизиқиши ортшига сабаб бўлаётганини қайд этди. Бу борада "Бизнесни ривожлантириш банки"нинг хизматлари катта экани алоҳида эътироф этилди.

Банк раҳбари Сахи Аннакличев банк мутасаддилари маҳаллада юриб одамлар билан ишлаётгани икки томон учун жуда манфаатли

бўлаётганини қайд этди. Президент ташаббуси одамларни чинакамига уйфотгани, аҳоли бизнес, ишбилармонлик, томорқадан келадиган даромадни тушуниб етаётгани қайд этилди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ва бошқа тижорат банклари маҳалларда 25 мингдан ортиқ фуқарога кредитлар тақдим этган.

Томонлар маҳаллаларда бизнесни ривожлантириш, аҳолининг тadbиркорлик кўникмаларини ошириш борасида фаол ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Учрашув сўнгида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



Ҳажга борганлар маънавият тарғиботчисига айланяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Учрашув маърузачиликдан ҳоли, аниқ таклиф ва тавсиялар, амалий ишларни бажаришга қаратилди.

Айтиш керакки, жорий йилда 15 мингдан зиёд ўзбекистонлик муқаддас Ҳаж зиёратига боришга муяссар бўлди. Эндилкида улар юртга қайтган, ўз маҳаллаларида ёш авлод тарбияси ва маънавий камолотига муносиб хисса қўшилади. Зеро, Ҳажга, Умрага бориб келган ҳар бир юртдошимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши керак.

Шу мақсадда маҳаллаларда Ҳаж ва Умра зиёратларига бориб келганлар орасида "маънавият тарғиботчилари" шакллантирил-

япти, уларнинг хонадонларда тарғибот ишлари йўлга қўйилмоқда. Тарғибот жараёнида ёшлар тарбияси, оилалар мустақкамчилиги, катталарни хурмат қилиш, боқимандаликка берилмаслик, берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлиги тушунтириляпти.

Учрашувда қайд этилганидек, айти кунларда Фарғона вилояти маҳаллаларида тарғиботчилар сафи янада кенгайиб, Ҳаж зиёратини адо этган юртдошларимиз Зеро, Ҳажга, Умрага бориб келган ҳар бир юртдошимиз маънавият тарғиботчилари билан бирга ишлашни бошлади. Йиғилишда бу борадаги ишларни тўғри ташкил этиш, вазифаларни бирлаштириш, амалиётда самарали иш тартибини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.



ЖАРАЁН

Маърифат маҳалладан бошланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига ташрифи давомида вилоятдаги барча маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди. Шундан келиб чиқиб, "маҳалла еттичилиги"га қўшимча равишда ҳар бир маҳаллада жамоатчилик асосида "Маърифат" тарғиботчилари фаолиятини жорий этиш ва бу борада "Наманган тажрибаси"ни яратиш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, айти пайтда Уйчи туманидаги 56 та маҳаллада улар қизгин иш фаолиятини олиб бормоқда.

Семинарда қатнашчилар маҳалла, маънавият ва маърифат биргалликда қандай ишлаши, ҳожилар билан биргалликда тарғибот тadbирларини олиб бориш тизимлари ҳақида ўзаро фикр алмашди. Тая-

қилданидидек, маънавият, аввало, оиладан, маърифат маҳалладан бошланади. Агар биз тарбия, кадрларнинг кадрини ошириш, анъаналарни давомий сақлашни мақсад қилсак, албатта, маҳалла – тарғибот жойимизга, хонадонлар – асосий ишимиз, ҳар бир фарзанд келажакда, яратилган шарт-шароитлар шарт.

Куннинг иккинчи ярмида семинар Уйчи туманида давом этди. Дастилаб "Қумтепа" маҳалласида "Маънавият сектори" ҳамда маҳалладаги "Маърифат" тарғиботчиларининг фаолияти, зиё улаштириш мактаби, яратилган шарт-шароитлар билан танишилди. "Қумтепа" ёшлар кичик саноат зонаси имкониятлари меҳмонларга манзур бўлди.

Семинар "Ўлчо" маҳалласида "Кадриятлар – маънавий камолот мактаби" мавзусидаги маънавий-маърифий тadbирлар билан якунланди.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МОҲИЯТ

Ижтимоий ёрдам содда, қулай, тизимли тарзда кўрсатилади

МАБЛАҒЛАР МАҲАЛЛА КЕСИМИДА ТАҚСИМЛАНДИ

Қарор билан "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унга кўра, жамғарма ҳисобидан ёрдамлар фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ҳамда шундай вазиятга тушганларни бу ҳолатдан чиқариш мақсадида кўрсатилади.

Низомга асосан, ҳар ойнинг 5-санасига қадар жамғармада шаклланган маблағлар туман (шаҳар)даги маҳаллалар бўйича куйидаги тартибда тақсимланади:

- 25 фоизи – маҳалладаги аҳоли сони;
- 25 фоизи – маҳаллада яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар сони;
- 25 фоизи – маҳалладаги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган оилалар сони;
- 25 фоизи – маҳаллада яшовчи "Темир дастур"га киритилган оилалар сони.

МАБЛАҒЛАРДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛНИЛАДИ?

"Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағларидан фойдаланиш уч босқичда амалга оширилади. **Биринчи босқичда** – ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ёки оиланинг аҳоли кейс-менеджмент асосида ўранилади ҳамда унга ёрдам кўрсатиш бўйича тавсия шакллантирилади.

Иккинчи босқичда – тавсия асосида ёрдам кўрсатишни "маҳалла еттичилиги" коллегиал тарзда қўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Учинчи босқичда – "маҳалла еттичилиги"нинг ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги коллегиал қарори асосида туман (шаҳар) ҳокимлиги жамғарма ҳисобидан тегишли маблағларни ажратади.

ҚАНДАЙ ЁРДАМ ТУРЛАРИ КўРСАТИЛАДИ?

"Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан 4 турдаги дастурлар доирасида ёрдам кўрсатилади. Бу жараёнда маблағларнинг маълум қисми фуқаронинг банк пластик картасига, қолгани шартнома асосида ўтказиб берилади.

1. Оғир ва узоқ вақт даволаниш талаб этиладиган касалликка чалинган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури доирасида:

- БҲМнинг 10 бараваригача миқдорда – дори-дармон билан таъминлаш харажатларини қоплаш (битта оиллага бир йилда икки марта);
- БҲМнинг 50 бараваригача миқдорда – даволаниш харажатларини (яшаш ва йўл харажати билан бирга) қоплаш (битта оиллага бир йилда бир марта);

2. Биринчи даражали эҳтиёжларни қоплашга кўмаклашиш дастури доирасида:

- БҲМнинг 1 баравари миқдорда – озиқ-овқат харажатини қоплаш (бир чоракда бир марта);
- БҲМнинг 5 бараваригача миқдорда – кийим-кечак ва бошқа энг зарур товарлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш (бир йилда икки марта).

3. Уй-жой шароитига эга бўлмаган оилаларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида:

- олти ой давомида ҳар ойда ижара шартномасининг 50 фоизи, бироқ БҲМнинг 4 бараваридан ошмаган миқдорда – вақтинча бошпана учун харажатларни (ижара тўловини тўлиқ ёки бир қисmini) қоплаш;
- БҲМнинг 50 бараваригача миқдорда – фақат бир марта уй-жойини таъмирлаш, шу жумладан, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бор шахсларнинг яшаш шароитини мослаштириш харажатларини қоплаш.

4. Иситиш таъминотидан узилган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури доирасида:

- БҲМнинг 1 бараваригача миқдорда – коммунал харажатларни қоплаш (бир йилда кўпи билан икки марта куз-қиш (1 октябрдан 15 мартга қадар) мавсумида);
- БҲМнинг 2 бараваригача миқдорда – кўмир билан таъминлаш харажатларини қоплаш (куз-қиш мавсумида).

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан "маҳалла еттичилиги"нинг масъулияти оширилиб, ижтимоий ёрдам ва субсидиялар манзилли, ҳақиқатда унга муҳтожларга етиб боришига замин яратилади. Қолаверса, ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар соддалашади, ортиқча югур-югур, ҳужжатбозликларга барҳам берилади. Энг муҳими, ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳар битта ҳолат "маҳалла еттичилиги" назоратида бўлади.

Санжар ИСМАТОВ.

Эслатма: Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қароридан белгиланган вазифалар, ёрдам кўрсатиш, эҳтиёжмандларни аниқлаш тартиблари ҳақида "Mahalla ko'zqisi" журналининг 6-сонида батафсил танишишингиз мумкин.

МАНЗАРА

"Бирор марта санаторийга бормаган раислар бор..."

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бобур АЗИЗОВ, Шаҳрисабз туманидаги "Мираки" маҳалласи раиси.

Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш сифатини оширишни тақозо қилади. Шунга кўра, маҳаллага олиб келувчи автомобиль йўллари асфальтланди, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланди. Бироқ фақат шу билангина туризм сифатини яхшилашнинг имкони йўқ, албатта. Шу боис Президент қарорига асосан, "Шаҳрисабз" туристик марказини ташкил этиш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилди. Унга кўра, "Мираки", "Улоч", "Полмон" ва Амир Темур номи маҳаллалар ҳудудидан 240 гектар ер майдонида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва туризм инфратузилмаси объектилари жойлаштирилади. Дам оловчиларга замонавий шароитлар яратиш мақсадида Туристлик марказда меҳмонхоналар комплекси, меҳмон уйлари, овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва савдо-кўнгилоч марказлар, очик турдаги автотураргоҳ ҳамда дор йўли барпо этилади.

Маълумот учун, "Мираки" маҳалласида 3 та маданий мерос объекти, 30 дан ортиқ

Раислар учун санаторий ва сихатгоҳларга йўланмалар тақдим этилса, яхши бўларди.



табiiй туризм масканлари ҳамда 19 та жойлаштириш воситаси ва 120 дан ортиқ оилавий меҳмон уйлари мавжуд. Ҳудуднинг ўзига хос "ташриф қоғози"га айланиб бораётган "Ҳисорак" сув омбори атрофида сайёҳлар учун "Тошоша майдончаси" ва "Дор йўли" фаолияти йўлга қўйилган. Тақлифлар масаласига келсак, "маҳалла еттичилиги" вакиллари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш керак. Айниқса, раислар учун санаторий ва сихатгоҳларга йўланма-

лар тақдим этилса, яхши бўларди. Бу фаолият самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Очиги, орамизда ўн йиллаб маҳалла тизимида меҳнат қилаётган бўлса-да, бирон марта санаторийга бепул йўланма олмаган раислар талайгина. Қолаверса, "еттилик" вакиллари барчасини КРИ асосида баҳолаш ва рағбатлантириш тизimini тезроқ амалиётга жорий этиш керак. Зеро, бу орқали ходимларнинг ишга бўлган масъулияти ортади, рағбат янада шижоат билан ишлашга ундайди.



Президент фармони билан НИҒМАТИЛЛА ЙЎЛДОШЕВ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимиغا янги муддатга тайинланди.



ҲАЛИЛУЛЛО ТУРАХУЖАЕВ Рақобатни ривожлантириш қўмитаси раиси лавозимиغا тайинланди.



АБДУВАҚҚОС РАФИҚОВ Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси раиси лавозимиغا тайинланди.



“МУРОЖААТДАН – ДАРОМАДГА”

“Бандлик учун фабрика қуриш шарт эмас”

Маҳаллада ишсизликни олдин олдиш, камбағалликни кескартириш фаолиятининг асосий мезонига айланган. Хатловда аниқлаштиришча, аксарият муаммонинг ялдини ишсизликка бориб тақалди. Дастлабки иш бошлаган кунларимда биздаги ишсизликнинг асосий сабаби завод-фабрикалар йўқлигида, деб ўйлар эдик. Онгалар билан яқиндан танишиб, муаммонинг ялдини — фуқароларнинг касби ва малакаси йўқлигида эканини англаб едик.

Умиджон Пўлатов,
Тошкент туманидаги “Қорабўрик” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Шу боис “Мурожаатдан — даромадга” тамойили асосида иш ўринлари яратиш билан бирга шу йўналишда малакали кадрлар тайёрлашга урғу бердик. Худуднинг асосий “драйвер”и — иссиқхоначиликни ривожлантириб, “Тошкент томорқа” масъулияти чекланган жамиятига асос солидик. “Етакчи тадбиркор” Абдурахим Йўлдошевга имтиёзли кредит ажратиб, кооперация йўналишида мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқаро-

ларни бириктирдик. Хонадон эгалари бир вақтнинг ўзида иссиқхона илмини ўрганиши, малака шаклланди. Бугун иссиқхонада кўчат етиштириш йўналишида тузилган корхона таркибиде 60 та хонадон бирлашган. Уларга керакли кўчат, уруғлик ва минерал ўғитни субсидия асосида олиб берамиз.

Кооперация таркибиде оилавий даромадини ошириб бораётганлардан бири Жаҳонгир Азимов. Бу тадбиркор иссиқхонада мавсумий гул етиштиради. Кишки мавсумда экилган гуллар бугун бозорга чиқаришмоқда. Тадбиркор бир йилда 3 марта ҳосил олиб, 80-110 миллион

сўмгача даромад топмоқда.

Жорий йил якунигача тикувчилик йўналишидаги учинчи кооперацияни ташкил этиш ҳаракатидами. Бу иш амалга ошса, яна 40 та хонадон доимий даромад манбаига эга бўлади. Ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида касаначиликни ривожлантирямиз. 30 нафар аёлга кредит ва субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Натижада шунча хотин-қиз ишли бўлди.

Ишсизликнинг яна бир сабаби малакаси етарли бўлганларга шариоит яратиб берилмаган. Хатловда Чинор 3-тор кўчасида яшовчи асли деҳқон бўлган Ўринбой Умаралиев ана шундай эътиборга муҳтож эканини аниқлади. Деҳқончилик илмининг ҳадисини олгану, шу илмин ишга солишга ери бўлмаган. Оқибатда ишсиз сифатида рўйхатда турган. Унга дастлаб 40 сотих, сунг 1 гектар ер ажратдик. Турмуш ўртоғи Мунира Умаралиева тикувчилик йўналишида касб-хунарга ўқитилиб, субсидия асосида тикув машинаси берилди. Натижада эр-хотин

маҳалланинг катта тадбиркориға айланаб, йилига 300 миллион сўм даромад топмоқда.

Хулоса сифатида айтсам, иш ўринлари яратиш учун йирик завод-фабрика қуришни кутиб ўтириш шарт эмас. Кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш орқали катта натижага эришиш мумкинлигиға ўз тажрибамда гувоҳ бўлдим. 2022 йилда маҳалламизда 12 та тадбиркорлик субъекти иш олиб борган бўлса, бугун уларнинг сон 84 таға етганининг ўзиде фикримнинг исботи.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнида кўп таклифлар билдирилади. Аксарият фуқаролар бепул хизмат турларини “Онлайн маҳалла” платформасидан олиш йўлга қўйилса, деган таклиф билдирмақда. Биласиз, фуқаролар турли масалаларда “Ягона дарча”га ариза беради. Бу — ортиқча оворгарчиликнинг олдини олмоқда. Агар бепул хизмат турлари маҳалланинг ўзиде кўрсатилса, янада қулайлик яратиларди, фуқароларнинг узоғи яқин бўларди.

МЕНДА САВОЛ БОР..

Давронбек Дўсханов.
Хонқа туманидаги “Ойдин ҳаёт” маҳалласи.

— *Ҳоким ёрдамчиси Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича қанча миқдорда кредит учун тавсиянома беради? Маблағни нақд пул қуришида ажратиш мумкинми?*

Кредит нақд пул шаклида бериладими?

Равшан ОТАБОВЕВ,
Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги масъул ходими:

— Ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси билан “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Президент қарорига кўра, тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафилиги, суғурта полиси, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулк гарови ва бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача бўлган миқдорда кредит берилади.

225 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги кредитлар тадбиркорлик субъектларига ҳоким ёрдамчисининг тавсияномасига мувофиқ туман(шаҳар) ҳамда худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг асосланган ва натижадорлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган қарори асосида ажратилади.

Ўзини ўзи банд қиладиган фуқароларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, хунармандчилик, иссиқхона қуриш кабилар учун зарурий хомашё, эҳтиёт қисми ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 млн. сўмгача миқдорда кредит маблағи нақд пулда берилиши кўзда тутилган.

“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан жорий йил 1 апрелдан бошлаб, дастурлар

доирасида кредитлар ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно):

а) 33 миллион сўмгача, бир йилдан сунг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзнинг мақсадли ишлатилганлиги ҳамда заруратга қараб гуруҳ кафилиги (камида 3 нафар фуқаро) билан қўшимча 50 млн. сўмгача револьвер асосида;

б) ушбу кредитлардан томорқани ривожлантиришининг бир нечта йўналишларида (паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, асаларчилик, балқичилик ва ихчам иссиқхона) фойдаланиши учун;

в) ер майдони 10 сотихдан ортиқ бўлган томорқа ер эгаларига ва ижарачиларга 50 млн. сўмгача гаровсиз;

г) 10 сотихли ихчам иссиқхоналарни барпо этиш ва балқичилик фаолиятини ташкил этиш учун 100 млн. сўмгача гаровсиз ажратилади.

Бунда чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар туман (шаҳар) ветеринария бўлимидан идентификация қилинган (биркалаш усули) ва ҳақиқатдан етказиб берилган чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) сотиб олишга, аҳоли томорқасида бизнесни йўлга қўйиш учун ўз ички имкониятидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилиш истагидаги аҳолиға иссиқхона қуриш, чорва молларини боқиш, томорқаға мавсумий экинлар экиш учун нақд пул шаклида берилиши мумкин. Бунда маҳаллага бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчиси кафилиги талаб этилади.

Маҳаллага бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчиси маҳалладаги кредитлар ҳисобига амалга оширилаётган оилавий тадбиркорлик лойиҳаларининг натижадорлиги учун тенг манфаатдор ва жавобгар бўлади.



БИЛАСИЗМИ?

“Онлайн маҳалла” платформаси қандай имкониятлар тақдим этади?

Мазкур электрон платформа барча ҳоким ёрдамчилар, республика вакиллари, туман марказлари ва туман ҳокимликлари, худудий бошқарма ва вилоят ҳокимликларининг фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш вазифасини бажаради.

Платформа доирасида ҳоким ёрдамчилари фуқароларнинг “Оилавий тадбиркорлик дастурлари” доирасида кредит олиш учун топширган аризасини реал вақт режимида, субсидия олиш учун берилган аризани онлайн равишда, қўшимча ҳужжатларсиз кўриб чиқади.

Фуқароларни тегишли бўш иш ўринларига тавсия қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва нодавлат таълим ташкилотларига касб-хунар ва тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқитишга онлайн тавсия тақдим этиш мумкин. Фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳоли ҳақида ҳоким ёрдамчиларига тахлилий маълумот тақдим этади, тегишли вазирилик ва идоралар маълумотидан фойдаланиш имкониятини яратди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг маълумоти асосида ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан юборилган мурожаат (ариза, таклиф ва шикоят)ларни тегишлилиги бўйича вазирилик ва идораларга етказиш, ижросини тўлиқ назорат қилиш ваколатини беради.

Электрон платформа 26 та алоҳида модулдан ташкил топган. Шу билан бирга, ҳоким ёрдамчиларининг фаолиятини самарали ташкил этиш, уларга тегишли маълумотларни тақдим этиш, уларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида 35 та вазирилик ва идоралар билан интеграция қилинган.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Хонадонда парранда қандай парваришланади?



Уй шароитида парранда боқиш нафақат онла био-жетилга фойда, балки исстеъмол бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлайди. Шу боис бугунги кунда хонадонда парранда парваришланиш кенг оммалашмоқда. Жараёнда зарур тадбирларга амал қилинса, даромад янада юқори бўлишини ҳисобга олиб, бу галги мақолада мавзуга доир тавсиялар беришни лозим топдик.

Зиёдулла ПИРНАЗАРОВ,
Республика “Паррандасаноат” уюшмаси раиси маслаҳатчиси.

Аввало баҳор бошланиши билан паррандачилик хўжалиқларидан сараланган жўжалар олинади. Чунки паррандалар қиш мавсумига қадар тез ривожланади ва туҳум бера бошлайди.

Бунинг учун жўжаларни сақлаш учун ветеринария талабига жавоб берадиган, барча шарт-шароитга эга, кенг ва ёруғ хона тайёрланади. Акс ҳолда улар дастлабки кунданок

нобуд бўла бошлайди. Бинодаги барча мосламалар ташқарига чиқарилиб, хоналар аэрозол усулида тозаланади. Тайёрланган хона жўжалар келтирилишидан 2 кун олдин 32 даража қиздирилади.

Бинонинг ҳарорати биринчи ҳафтада 32-27, иккинчи ҳафтада 26-24, учинчи ҳафтада 24-22, тўртинчи ҳафтада 22-20, бешинчи ҳафтада 18-16 даража иссиқ бўлиши керак.

Полсиз бинода қалин қатламли тўшма устида ҳам жўжа ўстириш мумкин. Бунинг учун майдаланган сомон ва ёғоч қириндасидан фойдаланса бўлади. Ерга сундирилган оҳак сепилиб, 15-20 см. қалинликда тўшма солинади. Ҳар бир квадрат метрига 16-20 донадан жўжа жойлаштирилади. Уларнинг соғлом ва жадал ривожланиши ҳамда товукларнинг махсуддорлигини ошириш бинодаги ёруғлик миқдорига боғлиқ. Бунинг учун жўжа боқиландиган хоналарнинг ҳар бир квадрат метри 3 ватт, катта товукларники эса 5 ватт электр нури билан ёритилиши зарур. Электр чироқлари пол сатҳидан 1,7-1,8 метр балангликда бўлиши лозим. Бино 1-2 суткада 24, 3-10 суткада 16, 11-20 суткада 12, кейинги 10 кунда ва 180 кунгача 8 соатдан ёритилиши керак.

Ҳаво алмашинуви доимий

назоратда сақлаш зарур. Жўжалар ўсиш даврида сувга жуда талабчан бўлади. Сутка давомида исстеъмол қилган қуруқ озуқаға нисбатан икки баробар кўп сув ичади. Шунинг учун уй ҳароратидаги тоза сув махсус идишда вақти-вақти билан тўлдириб турилади. Бунда ёш жўжаларнинг эркин дошлаши ва сув ичиши учун шариоит яратилиши лозим. Одатда жўжа туҳумдан чиққач, 15 соат ўтгандан кейин озиклана бошлайди.

Дастлаб уларга қотириб қайнатилган туҳум ёки сузма, қатик (рационнинг 10 фоиз миқдориде), маккажўхори ёки буғдой ёрмаси аралаштириб берилади. Дон ўрнига омухта ем бўлса, янада яхши. Баз-зи ҳолларда охурчаларга эланган озуқалар қуқуни солиб қўйиш тавсия қилинади.

Иккинчи кундан бошлаб, тўйимли озуқалар, табиий, витаминга бой бўлган қўқ масса, сабзавот ва твороғ, балқик ёғи, балқик уни, соя ёғи ва кунжараси, ўсимлик ёғи, витаминлар бериб борилади.

Парранда боқиландиган жой тоза бўлиши учун вақти-вақти билан тўлиқ тозаланиб, ишлов бериб турилади. Паррандаларни соғлом ўстириш мақсадида юқумли касалликларга қарши профилактик тадбирларни ўз вақтида ўтказиб туриш шарт.



Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимида ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ кучайтирилади.



Давлат мулкни ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ.



Сенат ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни эътироф этган тўғрисидаги ҚОНУННИ МАЪҚУЛЛАДИ.

БИЛАСИЗМИ?

“Бир нуроний ўн ёшга масъул”

“Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига қўра, ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол нуронийларга бириктирилиши белгиланган.

Бу жараёнда маҳаллардаги ёшлар етакчилари «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхат асосида 10 нафар уюшмаган ва муаммоли ёшларни нуронийларга бириктириб чиқади.

Бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, хунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар худудлардаги барча таълим муассасаларига йўналтирилади.

Ёшларга маблағлар банк картасига ўтказилиши мумкин

“Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва худудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига қўра, ёшларга компьютер харидлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан микроқарз шаклида ҳамда “Ёшлар дафтари” ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги жамғармалари ҳисобидан берилган субсидия маблағларини ижтимоий контракт асосида ёшлар хоҳишига қўра алоҳида очилган банк картасига (нақдлаштириш имкониятисиз) ўтказишга руҳсат берилиши белгиланган.



Айрим ёшларга чет элда даволаниш учун субсидия берилди

Қонунчиликка қўра, қуйидаги “Ёшлар дафтари”га киритилган бемор ёшларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда субсидия ажратилиши белгиланган:

«Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди; «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзанди; «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»даги киритилган оила фарзанди;

Саломатлигида нуқсон мавжуд ва оиласи кам таъминланган ёш фуқаро.

Бу вазиятда ариза берувчи маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза беради.

“Шуғулланиш учун майдонча зарур”

ТАЖРИБА



Ёшлар билан ишлашда зиммага аниқ вазифа — миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, “Беш ташаббус олимпиадаси” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Оловиддин ТОЖИЕВ, Ангрен шаҳридаги Беруний номли маҳалла ёшлар етакчиси.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш борасида профилактика инспектори билан ҳамкорликда иш олиб бораёмиз. Ёшларнинг спорт тўғрисидаги жалб этиш, китоб мўлаҳазасига йўналтириш орқали бўш вақтнинг мазмунли ўтказилиши.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда шаҳар ички ишлар бўлимидан ходимлар бириктирилган. Шу сабабли салбий ҳолатлар камайиб бормоқда. 2023-2024 йиллар давомида ёшлар ўртасида бирорта жиноят содир этилмади. Утган йилнинг шу даврида маҳалла ёшлари орасида 4 нафар тенгдошимиз

турли ҳуқуқбузарликлар содир этган бўлса, жорий йил бу рақам биттага қисқарди.

Утган йили “оғир тоифа”га бириктирилган 8 нафар ёшнинг оила аъзолари билан хонадонма-хонадон юриб, прафилактик суҳбатлар олиб бордик. Уларни қийнаётган муаммо ва тақлифларини ўргандик. Бир нафар пробацциядаги ёш “Ўзбек кўмири” ҳиссадорлик жамиятига ишга жойлаштирилди, бир нафари пробацция ҳисобидан чиқарилди. Мана шу каби ижобий кўрсаткичлар сабабли маҳаллаимиз жиноятчиликдан ҳоли худудга айланган.

Ёшлар билан ишлашда зиммага аниқ вазифа — миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, “Беш ташаббус олимпиадаси” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Бу вазифани тўлақонли бажариш учун шароит бўлиши керак. Аммо маҳаллаимизда спорт турларини оммалаштириш учун майдонча йўқ. Бу тенгқурларимиз ўртасида турли мусобақаларни ташкил этишда муаммо туғдирмоқда. Тадбирларни маҳаллада жойлашган 37, 43-умумтаълим мактаблари майдонида ўтказяёмиз. Маҳаллаимизга спорт майдони қуриб берилса, ёшларга қулай имконият яратиларди.

ТАКЛИФ



“Ҳамма гап бирдамликда”

Ғайрат ХУСАНОВ, Шароф Рашидов туманидаги Умар номли маҳалла ёшлар етакчиси.

Турли соҳаларда муваффақиятга эришган йигит-қизларни эътироф этиш, рағбатлантириш донм эътиборда бўлган. Аммо аксарият ҳолларда эҳтиёжманд, кўмакка муҳтожларнинг муаммоси билан қизиқиш, ечим топиш сояда қолиб кетарди.

Сўнгги йилларда вазият ижобий тарафга ўзгарди. Ёшлар муаммосини “маҳаллабай” тарзда, уйма-уй юрган ҳолда ўрганиш йўлга қўйилди. Бу билан нафақат иқтидорли, балки имконияти чекланган, камбағал оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш, иш билан банд қилиш, тадбиркорликка йўналтириш ишлари янги боқсичга кўтарилди. Яратилган тизим натижасида кечаянда оғир ижтимоий аҳволда бўлганлар орасида кредит, субсидия олиб, ёш тадбиркорга айланган йигит-қизлар оз эмас. Иш излаб, чет давлатларга кетишга, ўз аврасини ўзи тортишга мажбур бўлаётганлар давлат ҳимоясини ҳис эта бошлади.

Нима қилсам, ёшларга муносиб иш топиб бераман, деган савол менга тинчлик бермай қўйди. Фикру ўйим шу билан банд юрганда Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муаммога ечим бўлди.

Қарорга қўра, рўйхатдаги ишсиз ва норасмий банд бўлган 88 нафар ёшларга серсув ва ҳосилдор ерлардан 50 сотихдан ажратиб бердик. Уларнинг 4 нафари айнан миграциядан қайтган.

Бирдамликда иш бошлаган ёшларимиз бугун ўзига ажратилган ерларга “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида бўлғор қалампири кўчаларини экмोकда. Нега бирдамликда дейсизми? Сабаби маҳаллаимиздаги ер олган ёшлар кўчаларини ҳашар йўли билан етиштирди. Берилган уруғ иссиқхонада парваришланди.

Икки ойлик меҳнат давомида ҳосилга кириши қўлга келган маҳсулотга харидор тайёр. Бу — “BMB HOLDING” компаниясига қарашли етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи ва чуқур қайта ишлаш ҳамда логистика хизматларини кўрсатишга ихтисослашган “BMB NRC AGROLOGISTICS” корхонаси. Ҳар бир ёш

ўз еридан ўртача 30-40 миллион сўмдан даромад олишни режа қиляпти.

Фирдавс Чўлибоев маҳалладаги ана шу тоифадаги ёшлардан. Боқувчис ийўқ. Утган йили мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, иқтисодийёт йўналишидаги олий ўқув юртининг сиртки бўлимига шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. Ҳам тирикчилик ташвиши, ҳам ўқиш учун шартнома пулини тўлаш катта муаммога айланган. Бироз тушқунликка тушди. Оиласидаги шароитни ўйлаб, иш топиш ҳақида бош қотира бошлади. Унга Президент қарори мазмун-моҳиятини тушунтирдим. Тенгдошлари сафида 50 сотих ерли бўлди. Натижада бугун нафақат ўзи, балки оила аъзолари — онаси ва укасининг бандлиги ҳам таъминланди. Қувонарлиси, Фирдавс каби яна 80 нафардан ортиқ маҳалладош тенгдошлари оила қорига ярайдиган ҳалол меҳнат билан шуғулланмоқда.

Худудимизда яшовчи ёшлар орасидан спорт усталар етишиб чиққан. Уларга ҳавас қилиб, спортчи бўлишни истовчилар оз эмас. Аммо спорт билан шуғулланишга мажмуз йўқ. Туман марказидан 60 км. оилсда жойлашганмиз. Агар шу масала ҳал этилса, чемпионлар сафи ортарди. Бундан ташқари, худудда йирик ишлаб чиқариш корхонаси қурилса, янги иш ўринлари яратиларди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қандай ёшлар биринчи навбатда моддий ёрдам олади?

САВОЛ: Оламғир ЖАҲОНГИРОВ. Қибрай туманидаги “Уймовут” маҳалласи.

— “Ёшлар дафтари”га киритилганларнинг ёш чегараси борми? Рўйхат бўйича биринчи навбатда қайси тоифадаги ёшлар моддий ёрдам олади?

ЖАВОБ: Мумтозбек МЕЛИҚЎЗИЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими.

— “Ёшлар дафтари”га 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшлар киритилади. Моддий аҳоли қийин ёшларга бир марта берилган моддий ёрдамни тайинлашнинг аниқ миқдори ёшнинг ҳаётий вазияти мураккаблигини инобатга олган ҳолда БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўлаб берилади.

Бир марта берилган моддий ёрдам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган, ҳаётий мураккаб вазиятга тушган ёшга, биринчи навбатда тайинланади. Боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга, ўзгалар парварошига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз, I ва II гуруҳ ногирони бўлган ёшларга, қарамоғида ногирон бола бўлган ёш оила (эр-хотиннинг бири)га, ота-оналардан бири I ёки II гуруҳ ногирони бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки иккала ота-она ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган ҳамда табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фақуллода вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёшлар биринчи навбатда кўмак олади.





"BANK OF GEORGIA" давлат қимматли қоғозларини бевосита харид қилиш бўйича биринчи битимни тузди.



МУҲАНДИСЛИК ЙўНАЛИШИДА "Энг яхши ғоя", "Энг яхши лойиҳа", "Энг яхши ихтиро" республика танлови ўтказилади.



"Тармоқ – корхона – олийгоҳ" занжири асосида ҳар бир олийгоҳга САНОАТ ҲАМКОРИ белгилаб берилади.

СОЛИҚЧИ – КўМАКЧИ

Фуқаролар солиқ мажбуриятини ўз вақтида бажаряпти



Вилоятдаги 724 та маҳаллага бириктирилган 266 нафар солиқ инспекторининг 9 нафари хотин-қизлар.

Менга бириктирилган "Кўштегимон" ва "Маданият" маҳалларида 1 059 нафар мол-мулк ва 1 087 нафар ер солиғи тўловчилари бор. Жорий йилнинг январь-май ойларида ушбу маҳалларда истиқомат қилувчи фуқаролар 522,9 миллион сўм мол-мулк ва ер солиғи тўлашди. Қувонарлиси, йиғилган солиқларнинг 10 фоизи, яъни 52,3 миллион сўми маҳаллалар ривож учун йўналтирилди.

Аҳоли билан мулоқотларда солиқларнинг давлатимиз, хусусан, худуд ривожидagi муҳим ўрни, тўлов муддатлари ва ҳисобланиш тартиби тўғрисида тушунтириш бериб бораман. Мунтазам тарздаги тарғибот ва ташвиқот ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Йил бошидан буён кадастр ҳужжатлари бўлмаган 12 нафар турар жой ва ер эгалари ўз мулкани

белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказди. Натижада давлат бюджетига 5,2 млн. сўм қўшимча маблағ йўналтирилди. Шунингдек, маҳаллалардаги тадбиркорлик субъектлари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ортди. 12 та корхонадаги 19 нафар норасмий ишлаётган фуқаронинг фаолияти қонунийлаштирилди. Ҳеч қандай ҳужжатларсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 7 нафар фуқаронинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши таъминланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 9 нафар тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланди. 164 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Аҳамиятисиз, тадбиркорлар ҳам, фуқаролар ҳам солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилишяпти.

Аҳоли ўртасида солиқ маданиятининг ошиши солиқларни ихтиёрий тўлаш даражаси ортишига хизмат қилмоқда.

Саёй-ҳаракатларимиз бесамар кетмаёпти. Май ойи давомида "Кўштегимон" ва "Маданият" маҳалларида белгиланган кўрсаткич режаси 170,7 фоизга бажарилди. 2024 йилнинг май ойида "Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти" ахборот тизимида баҳолаш натижаларига кўра, вилоятдаги энг юқори самардорлик кўрсаткичи (КПИ) 98,2 баллни қайд этдим. Шунга айтишса керак, хоҳиш, қатъият ва ҳаракат муваффақият гарови деб!

Малика РАҲИМОВА, Ангор туманидаги "Кўштегимон" ва "Маданият" маҳаллалари солиқ инспектори.

ҚОНУНЧИЛИК

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозори тартибга солинади

Президентнинг 2024 йил 3 июндаги "Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида"ги фармони асосан, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси ташкил этилади.

2024 йил 1 октябрдан: – истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўшимча лицензия талаблари жорий этилади;

– яширин ишлаб чиқариш ва акциз марказиз, рақамли маркировкасиз ёки сифатсиз алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда ишлаб чиқариш ускуналари давлат фойдасига ўтказилади;

– қалбаки акциз маркази, акциз марказиз, маркировкаланмаган, қалбаки маркировкали

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари назорат қилувчи органлар томонидан муомаладан олинди ва ушбу маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат) белгиланган тартибда бекор қилинади.

– истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари улгурчи реализациясига оид шартномалар солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйилади.

Фармонга мувофиқ, 2024 йил 1 июндан республика товар-хонашў биржасида истеъмол этил спирти алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун катта ва кичик лотлар орқали сотилади. Бунда, республика товар-хонашў биржасида этил спирти харидлари тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот микдори ва харид мақсади кесимида Солиқ қўмитасига тақдим этиб боради.

2024 йил 1 сентябрдан: – истеъмол ва техник этил

спирти харид қилган ишлаб чиқарувчилар томонидан республика товар-хонашў биржасининг ахборот тизимига харид қилиш жараёнида жойлаштирилган истеъмол ва техник этил спиртидан фойдаланиш мақсадларидан бошқа мақсадда фойдаланилганлиги аниқланганда охириги 12 ойда биржа савдоларида харид қилинган истеъмол ва техник этил спирти ҳажмига ҳисобланадиган акциз солиғи суммасининг 2,5 баравари миқдоридан солиқ органлари томонидан молиявий жарима қўлланилади; – тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси худуди орқали транзит қилиш бўйича янги талаблар жорий этилади; – алкоғолли маҳсулотларнинг улгурчи савдоси учун минимал сотиш нархлари жорий этилади.

Исматулло СЕВИНЧОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.

ҚУЛАЙЛИК

Аҳоли тиббий препаратлар учун қанча маблағ сарфляпти?

Аҳмад ФАЙЗИЕВ, Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.

Ўзбекистонда биринчи марта солиқ органлари фискал чеклар бўйича дори воситаларни савдоси ҳақидаги маълумотларни тақдим этади. Республика бўйича 8 002 та дори хона рўйхатга олинган бўлиб, уларда 15 609 та онлайн назорат-касса техникаси (ОНКТ) мавжуд.

Харид қилинган дори воситалари учун истеъмолчиларга берилган фискал чекларда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларнинг идентификация кодлари (МХИК) асосида аҳолининг тиббий препаратлар учун қанча маблағ сарфлаётгани тўғрисида маълумотлар шаклланади. Жорий йилнинг 5 ойида дори воситалари учун энг катта харажатлар Тошкент шаҳри (2,1 трлн. сўм), Самарқанд (986,9 млрд. сўм) ва Сирдарё (170 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилган.

Пойтахт кўрсаткичлари йirik тиббиёт муассасаларининг айнан ушбу худудда жойлашганлиги ҳисобига шаклланган. Республика худудлари кесимида энг кам харажатлар Жиззах (201,3 млрд. сўм), Навоий (191,6 млрд. сўм) ва Сирдарё (170 млрд. сўм) вилоятларида тўғри келган.

Юқоридаги рақамлар ва ҳар бир худудда рўйхатга олинган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда йил бошидан ўртача бир киши дори воситаларига:

- Тошкент шаҳрида – 750 минг сўм;
 - Бухоро вилоятида – 277 минг сўм;
 - Самарқанд вилоятида – 245,1 минг сўм сарфлаган.
- Январь-май ойларида аҳоли жон бошига нисбатан камроқ харажатлар қуйидаги худудларда қайд этилган:
- Қашқадарё вилоятида – 120 минг сўм;
 - Қорақалпоғистон Республикасида – 118 минг сўм;
 - Сурхондарё вилоятида – 114 минг сўм.

Бундай маълумотлар солиқ органларининг маълумотлар базасида нафақат вилоятлар, балки ҳар бир туман ва маҳалла кесимида шаклланади. Фискал чеклар маълумотлари таҳлилга кўра, энг кўп маблағ қуйидаги касалликларни даволаш

учун мўлжалланган дори воситаларига сарфланган:

- юрак-қон томир касалликлари;
 - инфекция касалликлари;
 - оғриқ қолдирувчи восита;
 - асаб тизими касалликлари;
 - ошқозон-ичак касалликлари;
 - нафас олиш йўллари касалликлари;
 - таянч-ҳаракат тизими;
 - томоқ-бурун касалликлари;
 - жигар касалликлари.
- Дори воситалари мажбурий рақамли маркировкалини лозим. Дори воситалари маркировкасининг ҳақиқийлигини Солиқ мобил иловаси орқали текшириш мумкин.



СИЗ УЧУН МУҲИМ

Ўзини ўзи банд қилган шахслар АОС ҳисоботини қандай топширади?

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг 100 миллион сўмгача бўлган даромадлари солиққа тортилмайди. Солиқ даврида товарларни реализация қилишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошган, лекин 1 млрд. сўмгача бўлганда айланмадан олинган солиқ (АОС) тўловчи яқка тартибдаги тадбиркор сифатида тан олинади. Бундай ҳолатда солиқ органларига солиқ ҳисоботини тақдим этишни ҳамда солиқларни тўлашни шарт.



Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Агар ўзини ўзи банд қилган шахслар электрон ҳисобварақ-фактура (ЭХФ), онлайн назорат-касса техникаси (ОНКТ) ҳамда маркетплейс орқали даромад олган бўлса, ушбу даромадларнинг 100 млн. сўмдан ошган қисми АОС ҳисоботида автоматик шаклланиши учун қуйидагиларни амалга ошириши лозим. my.soliq.uz сайтыдаги "Яқка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун" шахсий кабинетида электрон рақамли имзо орқали қилилади. У ердан "Автоматлаштирилган айланмадан

олинган солиқ ҳисоботида ўзгартириш киритиш", сўнгра "Мурожаат юбориш" тугмаси босилади. Очилган ойнадан солиқ даври ҳамда ҳисобот даври танланади. Сатр номи қаторидан "Қаъий белгиланган миқдордаги даромад солиғи тўловчиси бўлган даврда олган даромади" белгиланади, шундан сўнгра сатр коди ҳамда сумма қаторлари автоматик шаклланади. Солиқ тури қаторидан "Айланмадан олинган солиқ" танланади. Асослантурувчи ҳужжат сифатида ўзини ўзи банд қилганлик тўғрисидаги гувоҳнома оқланади ҳамда юбориш тугмаси босилади. Шундан сўнгра ҳисобот топшириш жараёнига ўтилади. Бунинг учун шахсий кабинетдан

"Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг ҳисоботлари" ойнаси, ундан сўнгра қуйидагилар кетма-кетликда танланади:

- электрон шакллар;
 - айланмадан олинган солиқ;
 - айланмадан олинган солиқ ҳисоб-китоби.
- Очилган ойнадан солиқ тури, ҳисобот тури, йил, давр танлангач, ҳисобот шаклида солиқ суммаси автоматик шаклланади, сўнгра жўнатиш тугмаси босилади. Банк ҳисобрақами мавжуд солиқ тўловчилар шахсий кабинетнинг "Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқларини тўлаш" бўлими орқали солиқ тўловларини амалга ошириши мумкин.



Ўзбекистонда банк сирини ошкор этганлик учун ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК белгиланиши кутилмоқда.



МАЛАЙЗИЯ КОМПАНИЯСИ Ўзбекистонда иккита куёш фотоэлектр станциясини қуришни режалаштирмоқда.



“ХИТОЙ – ҚИРҒИЗИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН” темир йўлининг лойиҳасининг умумий қиймати 4,7 млрд. долларни ташкил этиши маълум қилинди.

ҚУЛАЙЛИК

Паспортларни ID-карталарга алмаштириш вақти келди

Сизда жисмоний имкониятлари чекланган ва паспортнинг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли ID-картага алмаштирилиши керак бўлган яқинингиз борми? Унда сиз кекса ёшдаги ёки касаллиги туфайли мустақил ҳаракатлана олмайдиган яқинингизнинг биометрик маълумотларини тўплаш учун хонадонингизга ёки даволаш муассасасига борадиган ходим ажратилиши бўйича яшаб турган манзилнингиздаги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (МваФР) бўлимига мурожаат қилиш имконига эгасиз.

Бунинг учун имконияти чекланган шахснинг яқинлари МваФР бўлимига бориб, паспорт алмаштириш ҳақида ариза бериши, аввалги олинган паспортни тақдим этиши, шахснинг ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат (тиббиёт муассасаси даволовчи врачнинг хулосаси ёки маҳалладан шахснинг соғлиги туфайли ҳаракати чекланганини тасдиқловчи маълумотнома) ни тақдим этиши, шунингдек, давлат божниси тўлаши ва ўзининг маълумотларини қолдириши керак. Шундан сўнг ходим шахснинг биометрик маълумотларини тўплаш учун ўзининг махсус кўча станцияси билан беморнинг яшаш жойига ёки даволашда бўлган манзилига ташиф буюради. Баъзида имконияти чекланган фуқароларнинг қариндошлари беморлар учун шахсини тасдиқловчи ҳужжатни янгилашнинг кераги йўқ, деб ҳисоблашади. Бироқ амалдаги ҳужжат тўсатдан рўй бериши мумкин бўладиган турли вазиятларда, масалан, манзилни ўзгартиришда, тиббий муассасаларга, даволаш масканларига жойлаштиришда ёки қайғули ҳолат – вафотини қайд этиш ҳолатларида жуда зарур бўлади. Имконияти чекланган шахсларнинг яқинларидан

паспортни алмаштириш масаласида лоқайд бўлмастикларини, бу ишни зиммасига олиб, беморнинг яшаш манзилидаги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қилишларини сўраб қоламан.

Эслатиб ўтаман, мазкур жараён дарҳол амалга оширилмади, бу иш туман бўйича мурожаатлар тушишига қараб (маълум вақт ичида) бажарилади.

Яна бир эслатма! Вазият тезкорлиқни талаб қилган ҳолатларда ходимнинг уйга ташифининг бошқа бир тури – экспресс-хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бу хизматдан исталган фуқаро фойдаланиши мумкин. Сайёр хизматдан фойдаланиш учун стандарт йиғим ва тўловлардан ташқари, БҲМ 21,9 фоиздан (агар масофа 10 км. атрофида бўлса) 83,2 фоизгача (100 км.) ташкил этувчи транспорт харажатлари тўланиши лозим. Экспресс-хизматга буюртма беришни **71-200-00-24** Call-маркази орқали амалга ошириш мумкин. Буюртмани расмийлаштиришда ID-картага манзилни ўзгартиришда, тиббий муассасаларга, даволаш масканларига жойлаштиришда ёки қайғули ҳолат – вафотини қайд этиш ҳолатларида жуда зарур бўлади.



Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ходим дам олиш кунини ишласа қандай тартибда ҳақ тўланади?

Нодир ҲУҚУБОВ, Хоразм вилояти.

– Дам олиш кунларида ёки ишланмайдиган байрам кунларида ишлагани учун иш ҳақи тўлаш қандай тартибда амалга оширилади?

Дам олиш кунларида ёки ишланмайдиган байрам кунларида иш ходимнинг хоҳишига кўра бошқа дам олиш кунини бериш билан компенсация қилиниши мумкин. Компенсация қилинган тақдирда, бундай иш учун ҳақ тўлаш камида бир ҳисса миқдорига амалга оширилади. Дам олиш кунини учун ҳақ тўланмайди.

Агар ходим жадвалга ёки меҳнат шартномасига мувофиқ умумий белгиланган дам олиш кунларида (беш кунлик иш ҳафтасида шанба ёки яшанба кунлари ёки олти кунлик иш ҳафтасида яшанба кунини) меҳнат қилган бўлса, дам олиш кунлари эса унга иш ҳафтасининг бошқа кунларида берилган бўлса, умумий белгиланган дам олиш кунларидаги иш учун бир ҳисса миқдорига ҳақ тўланади.

Ишланмайдиган байрам кунларидаги иш учун ушбу иш жадвалга биноан амалга оширилганидан ёки ходим Меҳнат кодекснинг 210-моддасига мувофиқ, ишланмайдиган байрам кунини ишга жалб этилганидан катъий назар камида икки ҳисса миқдорига ҳақ тўланади.

ёхуд ходимнинг хоҳишига кўра бошқа дам олиш кунини бериш ва бир ҳисса миқдорига ҳақ тўлаш орқали компенсация қилинади.

Жамоа шартномасида иш берувчи томондан касабга уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра, қабул қилинган ички ҳужжатда, меҳнат шартномасида дам олиш кунларидаги ёки ишланмайдиган байрам кунларидаги иш учун қўшимча тўловларнинг юқори ҳисса миқдорлари назарда тутилганини аниқлаш керак.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Бир кунда 5 тагача “102” аризалари тушмоқда



Бугун олиб борган турли саъй-ҳаракатларимиз натижасида “яшил” тоифага ўтдик. Албатта, уни ушлаб туриш энг катта масала. Воёга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашда муаммо йўқ.

“Ватан” – Ватан ичидаги мўъжазгина маскан. Ушбу маҳаллада саккиз мингдан ортиқ турли миллат вакиллари аҳилиқда ҳаёт кечирмоқда. Бироқ катта оиланинг ташвишлари ҳам катта бўлади деганларидек, маҳалламизнинг ўзига яраша ташвишлари бор.

Алишер САНАЕВ, Навоий шаҳридаги “Ватан” маҳалласи профилактика инспектори.

Бир кунда олти ой аввал иш бошлаганимда, маҳалла жиноятчилиги бўйича “сарик” тоифада эди. Асосан, қирғизларнинг жинояти қайд этилган. Машина савдоси билан шуғулланувчи айрим уддабурон “тадбиркорлар” кўп рақат фуқароларни “автоматини олиб берман”, деб чув туширган. Шу боис дастлабки ишим фуқароларни қирғизлардан ҳимоялаш бўлган. Бунинг учун аҳоли ўртасида тарғибот учрашувларини ўтказиб, уларни қирғизларнинг ҳийлалари, ўзига хос “тузқ”лари ҳақида

хабардор этиб бордим. Худуднинг турли нукталарига, асосан, аҳоли гаувжум бўладиган жойларга тарғибот материалларини жойлаштириб чиқдик. Вилоят марказида жойлашган йиғин худудида Президент мактаби, вилоят Ёшлар маркази, Маданият ва маърифат маркази, деҳқон ва буюм бозори, савдо шохобчалари, тунги клуб ва тўйхоналар мавжуд. Шу боис худудда 24/7 вақт тартибда ҳаёт кизгин. Ана шу қайноқ масканда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш – энг муҳим масала. Бунинг бирдан-бир ечимини худудни доимий назоратга олишдир. Шу сабаб ҳар бир кўп қаватли уйларнинг йўлакларини, маҳалла кўчаларини, таълим, бозор ва бошқа

объектлар замонавий кузатув камералари билан жиҳозланди. Ҳозирда маҳалла худуди деярли тўлиқ камералаштирилиб, 1000 дан ортиқ кузатув воситалари ўрнатилган. Улар шаҳар марказидаги “Вазиятлар маркази”га интеграция қилинган. Бугун олиб борган турли саъй-ҳаракатларимиз натижасида “яшил” тоифага ўтдик. Албатта, уни ушлаб туриш энг катта масала. Воёга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашда муаммо йўқ. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун маҳалла худудида имконият ва шароитлар етарли. Биргина Ёшлар марказидаги ўйнаб тўғарақлар ёшларни ўзлари қизиққан машғулотлар билан банд қилмоқда. Яқин йўртада маҳалланинг замонавий кутубхонаси барпо этилиб, китобхоналарга тўхфа этилади. Шу билан ёшларнинг яна бир нури манзили пайдо бўлади. Бироқ шаҳар тоифасидаги маҳалла бўлгани учун фоҳишалик,

ичкиликбозлик каби иллатлар буй кўрсатиб турибди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун тизимли ишлар олиб борилиб, фуқароларнинг нарколегия диспансерида даволашни таъминланмоқда. Шаҳар марказида жойлашган худудда фуқаролар сони ҳамда ижтимоий объектлар кўпчилиги иш сифатида ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмапти. Бир кунда фуқаролардан турли мазмунда бештагача “102” аризалар тушмоқда. Ўз навбатида, асосий вақтинми ушбу аризалар ижроси билан шуғулланишга кетмоқда. Натижада кўчаларда содир бўлаётган турли жанжаллар билан ишлашга вақт қолмапти. Таклифим, жамоат тартибини сақлаш ва турли жанжалларнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан патруль-пост ва миллий гвардия ходимлари шуғулланишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

СУД ҲУҚМИ

Ишқ билан ҳазиллашма

Қурбон (нем-шарифи ўзгартирилган) 33 ёшида севиб қолди. У бу ҳақда бор овозни билан қайқиритиш келар, баъзан туйғуларини жилловлай олмас, бу сирини фойда қўяди. Хиссиётларга берилган Қурбон ўзини ишқ йўлида ҳар нарсасига тайёр бўлган оншқ йиғиндек тутта бошлады.

Нилуфар ИСОХОНОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.

Бир неча йиллардан буён биргаликда яшаб, эрининг юриш-туришидан хабардор бўлган турмуш ўртоғи эрининг хулқ-атвори ўзгариб қолганини, учинчи одам оиласига аралашганини сезди. Шунга қарамай, эрининг жиззақилиги, тутуриқсиз феъллини билган аёл асосан рашқ қилишдан ўзини тийди. Вазиятни кескинлаштиришни истамасди. Бироқ ойна этак билан ёпиб бўлмаганидек, яқинлари Холдадаги эрини бир неча бор бир аёл билан кўрганни айтишди. Ҳолатбарорлар унга хатто эри учрашиб юрадиган аёлнинг телефон рақамлари ва ота-онаси яшайдиган манзилига аниқлаб беришди. Бир томондан рашқ, иккинчи томондан жиззақилик жиноятнинг асосий сабабчиси бўлди.

Уша машум кунда Қурбон ҳеч ким суҳбатини эшитмаслигига



ишонган ҳолда, севгилисига кўнғироқ қилди. Аммо остонада қазабланган хотинини кўриб, гапи оғзида қолди. Жанжал бошланди. Хотини унинг барча кирдикорларини, камчиликларини айтиб ташларкан, энг оғир кунларида бирга бўлганини эслатиб дағдағага ўтди. Хотини унинг хурмача

қилиқларига чидаши мумкинлиги, бироқ бошқа аёлнинг пайдо бўлишини хоинлик деб, бунга чидаб бўлмаглигини айтди. Қурбон жанжал яхшилик билан тугамаслигини сезиб, уйдан чиқиб кетди ва қаҳвахонага бориб, егулик ва спиртли ичимликка буюртма берди. Бир оздан сўнг машум кунда кўнғироқ қилди.

Бу вақтда ўзига яраша маст бўлиб қолганди.

Ўшакни кўтарган Қурбон бақир-чақирини эшитаркан, хотини ва онасининг овозини аниқ-тиниқ эшитди. Машумкаси қаҳорат ва дўқ-пўписалар унинг ота уйида бўлаётгани, кўни-қўшиллар ҳам эшитилгани, шарманда бўлганини, сабабчиси Қурбон эканини қайта-қайта тасдиқлади.

У ёрдамга шошилди. Тезда ҳисоб-китоб қилган Қурбон елдек учиб севгилиснинг уйи олдида пайдо бўлди. У севгилисига кўнғироқ қилиб, олдига чиқишини сўради. Дарвоза эшиги очилиб, севгилиси эмас унинг акаси Мурод чиқиб, ошқика синглисини бошқа безовта қилмаслигини, тинч қўйишини айтди. Бироқ у муҳаббати ҳақиқий эканини исботлашга уринди. Мурод ошқикнинг мастлигини кўриб, гаплашиш бефойда эканини тушунди ва гап тугади, дегандек ортига бурилганда, Қурбон суммасидан пичоқ олиб: “Сенларми севгимга тўғанок бўладиган, ҳаммангнинг сўйиб ташлайман”, деб тўполон кўтариб, Муродга ташланди. Муроднинг ўнг оёғига пичоқ санчилди...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани судининг ҳукмига кўра, икки марта қора курсида ўтирган 33 ёшли Қурбоннинг хатти-ҳаракатлариға қонуний баҳо берилиб, безорилик жиноятини содир этишда айбли деб топилди. Суд томонидан унга уч йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.



АҚШ савдо вакили идораси Ўзбекистонга ГЎШТ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИ ташкил этди.



Фарғонада йилга 60 мингга газ, электр ва гибриッド моторли ХИТОЙ ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРИ ишлаб чиқарилади.



Хотин-қизларга ОТМга киришда имтиёз берувчи тавсияномалар MY.UZBMB.UZ платформасига интеграция қилинади.

қулайлик

Халқ билан янада яқинроқ

Азиз МАШРАБОВ, журналист.

Орхондарё вилоятида "Инсон" ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказларининг психолог ва юридик хизмати ходимлари аҳолига сайёр мобил хизматни йўлга қўйди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси ташкил этган ilk сайёр мобил хизмат "Фуқаролар давлат органларига эмас, давлат органлари фуқароларга хизмат қилиши керак!" шиори остида Жарқўрғон туманидан бошлади.

Шу кун Термиз шаҳри ва олти туман "Инсон" ижтимоий хизматлар кўрсатиш маркази психологари ва ҳуқуқшунослари тумандаги "Қораёнтон" ҳамда "Узумзор" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳузурда бўлиб, уларга бепул хизмат кўрсатди.

— Бугун туманимизда мобил психологик ва юридик хизмат кўрсатиш ташкил этилди, — дейди "Қораёнтон" маҳалласидан Феруза Қўлиева. — Бунда қатнашганимдан

жуда хурсандман. Анчадан буён йўғилиб қолган саволларимга жавоб топа олмаётган эдим. Психолог ва юристлар билан сўхбатлашдим. Ҳаётда дуч келётган муаммоларимни айтиб, батафсил жавоб олдим.

Аҳолининг кам таъминланган, ишсиз, жисмоний имконияти чекланган қатлами тегишли ёрдам ва хизматларга кўпроқ эҳтиёж сезади. Мамлакатимизда янги ташкил этилган ижтимоий тузилма маҳаллалардаги шу тоифага кирувчи аҳоли вакиллариининг соғлигини тиклаш, ижтимоий кайфиятини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, жамиятга мослашувида энг яқин маслаҳатчи ва таянчига айланмоқда. Вилоятда йўлга қўйилган сайёр мобил хизмат ҳам одамларнинг узоғини яқин, мушқулини осон этиш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

— Мен тушкун кайфиятга тушиб қолгандим, — дейди "Узумзор" маҳалласидан Назира Ражабова. — Бизда бундай тadbирлар сира бўлмаган. Маҳалламиздаги ижтимоий ходим шу ерга тақлиф қилди. Психологлар яқка тартибда сўхбат ўтказиб, кайфиятимни анча

кўтарди. Бундан беҳад мамнунман.

Тadbир доирасида 180 нафардан ортқк муурожаатчиға бепул психологик ва юридик хизмат кўрсатилди. Тажрибали психологлар тушқунликни бартараф этишға қаратилган тренинг машғулотлари ўтказиб, эмоционал-ҳиссий зўриқишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлади. Зўриқишларнинг даражасини пасайтириш, стрессларни бартараф этишға қаратилган сўхбат ўтказди. Иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, кредит, уй-жой таъминоти, кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси ва бошқа масалалардаги муурожаатчиларға марказларнинг юридик ходимлари зарур маслаҳат ва ҳуқуқий кўмак берди. Жарқўрғон тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар кўрсатиш маркази эҳтиёж сезаётган ногиронларға кўлтиқтаёқ ва ногиронлик аравачаси берди.

Бундай учрашув ва тadbирлар халқни ўйлантираётган масалаларни хал қилишдан ташқари, уларнинг олиб борилаётган ислохотлар самарасини ўз ҳаётида ҳис қилиши учун бир восита сифатида хизмат қилади.



Аҳолининг кам таъминланган, ишсиз, жисмоний имконияти чекланган қатлами тегишли ёрдам ва хизматларға кўпроқ эҳтиёж сезади. Тadbир доирасида 180 нафардан ортқк муурожаатчиға бепул психологик ва юридик хизмат кўрсатилди.

Бундай учрашув ва тadbирлар халқни ўйлантираётган масалаларни хал қилишдан ташқари, уларнинг олиб борилаётган ислохотлар самарасини ўз ҳаётида ҳис қилиши учун бир восита сифатида хизмат қилади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Аслида, "Маҳалла еттилиги"нинг асосий мақсади — фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни аниқлаб, ўз вақтида ижобий ечим топишдан иборат. Бу уларнинг кайфиятига, шу орқали жамиятдаги фаол иштирокига ўз таъсирини кўрсатиши аниқ.

“Миннатдорлик туйғуси куч ва рағбат беради”

Имконияти чекланган кишиларнинг қайсидир оғирини енгил қилишдек савобли амалга иш деб эмас, инсоний бурч сифатида ёндашиш керак аслида.

Гулистан АЙТЕКОВА, Юқори Чирчик туманидаги "Дархон", "Усмонобод" ва "Тулистон" маҳаллалари ижтимоий ходими.

Инсонлар ташқи кўриниши, феъл-атвори жиҳатидан турлича. Хар кимнинг ўзига хос қизиқишлари, қарашлари мавжуд. Кимдир жуда кўнгилчан, бирови зардалди. Лекин эътиборни тортадиган нарса шундаки, ҳамманинг кўнглига фақат ширин сўз орқали йўл топиш мумкин. Гўзал муомала билан қалб эшиклари очилади. Юзларда кулгу, кўзларда қувонч барқ уради.

Саккиз йилдан буён маҳалла тизимида ишлаб келаётган бўлсам, ана шу ҳақиқатга қайта ва қайта амин бўлаверман. Аҳоли хонадонларига ҳол-аҳвол сўраб борганимизда, кимдир яқши кутиб олса, бошқаси норози кайфиятда

саволларимизга хоҳлаб-хоҳламай жавоб беради. Аммо гап-сўзимиздан уларнинг ташвиши билан юрганимизни англагани замон қиёфаси ўзгаради.

Аслида, "Маҳалла еттилиги"нинг асосий мақсади — фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни аниқлаб, ўз вақтида ижобий ечим топишдан иборат. Бу уларнинг кайфиятига, шу орқали жамиятдаги фаол иштирокига ўз таъсирини кўрсатиши аниқ.

Ижтимоий ҳимоя тизимида фаолият юритиш менга жуда ёқади. Имконияти чекланган кишиларнинг қайсидир оғирини енгил қилишдек савобли амалга иш деб эмас, инсоний бурч сифатида ёндашиш керак аслида.

Корейс, қозоқ ва ўзбек миллати вакиллари истиқомат қиладиган маҳаллаларимизда эҳтиёжманд оилалар сони 173 тани ташкил этади. Дастлаб ҳар бир хонадонга кириб, сўхбатлар олиб борилди. Кимнинг нима муурожаати бўлса, ҳаммасини ўргандик. Аввал фуқаролар ҳужжат ишлари билан идорама-идора

сарсон бўлган бўлса, энди қўлимизга берилган планшет орқали барчасини уйига бориб, бир зумда хал қиялдим.

Шу кунга қадар 2 та кейс очилди. Бир ҳолатда 70 ёшдан ошган онахон полиартрит ташхиси билан 5-6 йилдан буён юрولмай, тўшакка миҳлиниб қолган. Уч нафар қизи оилали бўлгани боис турмуш ўртоғи ғамхўрлик қилиб келмоқда. Онахоннинг муурожаатиға биноан аравача олишда ёрдам кўрсатилди. Анча йиллик орзуни амалга ошганидан жуда хурсанд. Ҳовлиларни айланаб, юзи анча ёришди. Ўзини аввалгидан тетикроқ ҳис қила бошлади.

Яна бир оилада ота вафот этгани сабаб она турмушға чиқади. 2007 ва 2008 йилда туғилган ака-сингил бир муддат ўртада сарсон бўлиб қолади. Ҳолатни ижобий томонға ўзгартириш мақсадида уларға амакисини васий этиб тайинладик. Ҳозир бувиси ва қолган яқин қариндошлари билан хотиржам яшаяпти. Болалар бахтли бўлса, бизнинг ҳам

кўнглимиз хотиржам.

Сиз ўзингизни қандай ҳолатларда бахтли ҳис қиласиз? Инсон аниқ мақсадлари сари интилиб, сеvimли машғулоти билан доимий банд бўлгандагина ортқка тушқунликка берилмайди. Керакисиз ўй-хаёллар билан вақтини беҳуда ўтказмайди. Шу маънода маҳаллада имконияти чекланган ёшларни параспортға жалб қилишға алоҳида эътибор қаратяпмиз. 2005 йилда туғилган Бибинур Раҳмонқулова пара велоспорт билан анчадан буён шуғулланиб келмоқда. Натижалари йилдан-йилга яхшиланяпти. Уни кўрган атрофидаги тенгдошларининг ҳам спорт билан шуғулланишға иштиёқи ортяпти.

Бугун маҳалла тизимида рўй бераётган ҳар бир ижобий ўзгариш ва сазй-ҳаракатлар замирида халқнинг тинч-фаровон ҳаёт кечириши мужассам. Одамларнинг қиёфасида акс этаётган розилик аломати, миннатдорлик туйғуси эса бизға янада куч ва ғайрат бағишлайди.

БИЛАСИЗМИ?

Қандай пуллик хизматлар кўрсатилади?

Имтиёзли тоифага кирмайдиган, лекин "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари хизматларидан фойдаланиш истагида бўлган фуқаролар учун эндиликда шартнома асосида пуллик хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланди.

Улар куйидаги пуллик хизматлардан фойдаланишлари мумкин:

- шахсни ўзгалар парваришиға муҳтожлигини баҳолаш ("Инсон" ижтимоий хизматлар маркази мутахассиси томонидан Бартел ва Лаутон шкалалари асосида амалга оширилади, шунингдек яшаш шароитларини тўсиқсиз ҳаракатланиш учун мослаштириш зарурати ўрганиб чиқиб, тегишли тавсия ишлаб чиқилади);
- ўзгалар парваришиға муҳтож шахсға уйда ижтимоий-машиий хизмат кўрсатиш куйидаги тadbирларни ўз ичига олади:
 - овқат тайёрлаш;
 - кийим-кечакларни ювиш ва уларни даэмоллаш;
 - гигиена тadbирларини амалга оширишда кўмаклашиш;
 - зарур озик-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни уйға етказиб бериш;
 - сартарошлик хизматидан фойдаланишда кўмаклашиш;
 - ўзгалар парваришиға муҳтож шахсға ҳамроҳлик қилиш учун бозор ва спорт муассасаларига, озик-овқат маҳсулотлари, дори воситалари, кийим сотиб олиш учун бозор ва дўконларға ижтимоий ходим ассистентлари сиз билан бирға бориб келади);
 - ўзгалар парваришиға муҳтож шахсға қараб туриш юришда ва ҳаракатланишда қийинчилиги бўлган шахсларға кўрсатиладиган куйидаги хизматларни ўз ичига олади:
 - овқатлантириш;
 - кийимларни кийиш ва алмаштиришда кўмаклашиш;
 - ётоқ ҳолатини ўзгартириш;
 - хавфсиз ҳаракатланишда кўмаклашиш;
 - жисмоний машқларни бажаришда кўмаклашиш;
 - заруратға кўра тез tibбий хизматини қақриб бериш.

Пуллик хизматлардан фойдаланиш учун ўз туманингиздаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига муурожаат қилинг.

Муҳим эслатма! Юқумли ҳамда руҳий касалликларға чалинган шахсларға пуллик хизматлар кўрсатилмайди.

қулайлик

Йиллик қабул қуввати 59 мингтагача оширилди

Бугунги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидаги санаторийларға йўлланма олиш учун навбатда турган шахсларнинг умумий сони 400 мингни ташкил этмоқда.

Санаторийларға йўлланма олиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Агентлик томонидан куйидаги

ишлар амалға оширилди:

- навбатлар сонини қисқартириш мақсадида Санаторийларнинг йиллик қабул қуввати 59 мингтагача оширилди (қўшимча 10,9 мингга);
- санаторийларға кўпроқ фуқаролар қабул қилинишини таъминлаш мақсадида бир марталиқ қабуллар сони 1952

тага етказилди (12 кунлик);

- уринларни кўпайтириш мақсадида бюджет ҳисобига қўшимча 230 та янги ўрин ташкил этилди;
- йўлланма учун навбатлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида янги "Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги санаторий" модули ишға туширилди.





БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ Бутунжаҳон бокс иттифоқи (WBC) рейтингда ТОП-10талиққа кириб олди.




Ўзбекистон таэквондо WT ассоциацияси илк маротаба БЕШ НАФАР СПОРТЧИ билан Олимпия ўйинларида қатнашади.



ШАҲОБИДДИН ЗОИРОВ 12 июль куни Россияда ўтказиладиган "IBA Чемпионал оқшоми"да рингга кўтарилади.

Тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг Ишлаётган эркаклар ва аёллар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисидаги 156-сонли Конвенциясини (Женева, 1981 йил 23 июнь) ратификация қилди.



2024 йил 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунни имзолади.

Конвенцияда куйидаги талаблар мавжуд:
— оилавий мажбуриятли ходимлар: эркак ва аёл ходимлар учун муомала ва имконият тенглиги;
— оилавий мажбуриятли

ходимларга ўқитиш ва касбга йўналтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ёки давом эттириши ва ушбу мажбуриятлар билан боғлиқ ҳолда ишдан бўшатиладиган кейин уни қайта тиклашлари учун тегишли чоралар кўрилиши;
— оилавий мажбуриятли ходимлар ўзларининг ишни эркин танлаш ҳуқуқидан фойдаланиш, уларнинг бандлик ва ижтимоий таъминот шароитлари бўйича

эҳтиёжларини ҳисобга олиш;
— маҳаллий даражада тадбирларни режалаштиришда оилавий мажбуриятли ходимларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, болаларни парвариш қилиш ва оилага ёрдам кўрсатиш бўйича муассасалар ва хизматлар каби давлат ёки хусусий ижтимоий хизматларни ривожлантириш;
— ҳар бир давлатнинг ваколатли органлари эркак ва

Маълумот учун, мазкур конвенцияни 45 та давлат ратификация қилган.

аёл ходимларга тенг муносабат ва тенг имкониятлар тамойили ҳамда оилавий мажбуриятли ходимларнинг муаммоларини кенг жамоатчиликка тушунтиришга кўмаклашиш мақсадида ахборот ва таълимни ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек ушбу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган жамоатчилик фикрини рағбатлантириш бўйича тегишли чораларни кўриш.

МАНЗАРА

Имконинг бўла туриб, кимгадир буюртма беришинг уят



Ҳаётда кийналган, кимнингдир ёрдамга мухтож бўлган хотин-қизларни қўлаб қувватлаб, миннатдорчилигини эшитгиндан ортқирок бахт йўқ мен учун. Яхши натижаларни қўлга киритаётган аёлларни кўриб, янада руҳланаман. Ўзи позик ҳилқат бўлса-да, продаси ва матонат билан юртимизга нафи тегаётганлар қанча.

Сарвиноз ҚОБИЛОВА,
Нурота туманидаги "Эшонсудур" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламизнинг ривожланиш нуқтаси — каштачилик. Бу ҳунар бизга момо мерос. Аклимизни танибимиз-ки, онамиз қўлимизга игна ва ип тутказган. 7-8 ёшлигимиздаёқ рўмолчадаги гул четларини занжир чокда тикишни билардик. Улғайганимиз сари билим ва

малакамиз янада ортиди. Оилада 6 нафар қиз бўлсак, ҳаммамиз келин сарпо учун сўзанадан тортиб, жойнамоғича ўзимиз тикканмиз. Кимгадир буюртма бериш уят ҳисобланарди.
Хозир ҳар биримизнинг касби-коримиз бўлишига қарамай, кашта тикишни қанда қилмаймиз. Кечқурун ёки эрта тонгда сеvimли машғулот учун, албатта, вақт ажратамиз. Бу билан кишининг асаблари тинчланади, турфа рангларга қараб кайфият кўтарилади. Меҳнатимизни натижасини

кўриб, кўз қувонади.
Авваллари кашта оддий бўзга тикилган бўлса, энди водийдан олиб келинадиган сидирға нусхадаги атлас ва адас матолари ишлантиляпти. Ипларни бўяш учун анор ва пизё пўсти ҳамда ўсма суви каби табиий маҳсулотлардан фойдаланилади.
Одамлар каштачилик маҳсулотларини, асосан, рўзғорда ишлатиш учун тикишган. Вақт ўтиб, туризм ривожланган, бу ишланмаларга хорижий сайёҳларнинг қизиқиши орта борди. 1993 йиллардан бошлаб, сотувга чиқариш оммалашди.
Уша йилларда иш бошлаган Саодат Файзиёва хозир маҳалламиздаги энг сардормад тадбиркорлардан бири. Худудимиздан ташқари, энг чекка қишлоқларда яшайдиган 150 нафарга яқин ишсизларнинг бандлигини таъминлаб келмоқда.

Айниқса, чекка қишлоқларда яшайдиган аёллар ип ва тайёр нақш солинган матоларни уйига олиб кетиб, бўш вақтида тикишади. Шу билан бирга, уй-рўзғори саранжом, фарзандлар ва қайнона-қайнотага ғамхўрлик қилишади.

Тайёр маҳсулотни топширган, иш ҳажми ва сифатига кўра маош тўланади. Астойдил меҳнат қилган аёл бир ойда 4 миллион сўмгача даромад қилиши мумкин. Вақт ажрата олмадим, ишларим кўпайиб кетди деганлар 1 миллион сўмгача пул топиш имконига эга. Кўл меҳнати билан яратилган санъат намуналари Америка, Туркия каби давлатларда жуда харидордир. Чет элликлар улардан уйини безатишда, ўриндиклар устига тўшаш учун фойдаланади. Миллий ва ўзига хос нақшлар туширилган ётқик жилдлари эса ҳар қандай хонадонга ўзгача руҳ бағишлаши аниқ.

Саодат опанинг қизи Гулмира Исломова ҳам каштачилик бўйича узоқ йиллик тажриба эга. Яқинда Америкада ярмарка ташкил этиш учун йўлланмани қўлга киритди. У ерда намоийиш этиладиган маҳсулотлар, асосан, хорижий иштиёқмандлар талабидан келиб чиққан.

Каштачиликда игнада ва бигизда тикиш усуллари мавжуд. Бигизда тикилган буюмлар майда ва чиройли чоклангани боис нархи анча қimmat туради. Бунинг учун анча тажриба ва малака талаб этилади. Маҳалламизда шундай ишининг устаси бўлиб кетган хотин-қизлар анчагина. Кўзингизга қараб сиз билан гаплашиб, ишини аёло даражада бажаришни эплайди. Бундан фақат хайратга тушиш мумкин, холос.

Инсон қилаётган меҳнати билан азиз, эл ичида ҳурмат ва эҳтиром топиш учун, аввало, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши керак. Шу маънода маҳалламиздаги ҳар бир хотин-қизнинг ривожланиши учун имкон ва шароит яратиб беришга ҳаракат қилишимиз.



ТАВСИЯНОМА

Қатта ҳаёт сари энг зарур қадам

Мутахассиснинг бўйича камда беш йил меҳнат стажига эга, лексин олний маълумотга эга бўлмаган, ўрта махсус ёки профессионал таълим муассасаларини тамомлаган 4 777 нафар талабгор хотин-қизнинг тавсиянома олсин бўйича қилган мурожаатлари хотин-қизлар.uz электрон платформаси орқали қабул қилинди. Улардан 4 587 нафарининг мурожаатлари қабул қилинган бўлса, 190 нафарининг рад этилди.

Саодат БОЙМИРЗАЕВА,
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати раҳбари.

Энг кўп тавсиянома Фарғона (566 та), Тошкент вилояти (447 та), Қашқадарё (405 та), Тошкент шаҳри (376 та), Андижон (371 та), Самарқанд (358 та) вилоятларига берилди.

Йўналишлар кесимида тавсияномалар энг кўп бошланғич таълим, доволаш иши, мактабгача таълим, бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича тақдим этилди.

Эҳтиёжманд оилалардан бўлган 36 853 нафар талабгор хотин-қиздан аризалар хотин-қизлар.uz электрон платформаси орқали қабул қилинди. Қўмита раисининг тегишли буйруғи билан Республика бўйича жами 18 481 нафар (50,1 фоиз) хотин-қизларга тавсиянома берилди, 18 372 нафар (49,9 фоиз) талабгорга тавсиянома бериш рад этилди.

Қўмитанинг ҳар икки тавсияномани бериш ҳақидаги ҳужжатлари хотин-қизлар.uz электрон платформаси орқали электрон шаклда туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига ҳамда оила ва хотин-қизлар бўлимларига талабгорларни хабардор қилиш учун тақдим этилди.

САЛОМАТЛИК

Ёзда офтоб уришидан қандай ҳимояланиш керак?

Ёз чилласида саломатликни асраш бўйича тавсиялар

Соат 12:00 дан 16:00 гача кўчага чиқманг.

Кўчага чиқишингиз зарур бўлса, танангизнинг очик жойларини қуёш нуридан асрашга ҳаракат қилинг. Табиий матодан бўлган либослар ва бош кийим кийинг.

Сув балансини тиклаш учун кунига 3 литрдан кам бўлмаган миқдорда суюқлик ичинг.

Қаҳва, ширин ва газланган, спиртли ичимликларни ичманг!

Чанқокчи олча, олма ва нордон мевалардан тайёрланган шарбатлар, айрон ҳамда лимонли суялар босади.

Соғлиққа сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати

SSV.UZ | @SSVMATBUOTKOTIBI

Жазирамада офтоб уриши кўн учрайдиган ҳолатлардан бири. Шу боис ундан сақланиш учун бир неча тавсияларга амал қилиш лозим. Хусусан, ёзда қуёш тинида узоқ вақт бош яланг ва баданини ҳимоя қилмаган ҳолда қолиш — офтоб уришига сабаб бўлади.

Дониёр АЛИМОВ,
Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази директори.

Афсуски, кўпчилик бу ҳолатга бепсандлик билан қарайди. Аслида эса унга эҳтиборсиз бўлиш, жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки қуёш уриши — энг хавфли ҳолат бўлиб, у ташқи термал омиллар таъсирида организмнинг умумий қизиб кетиши ва ҳароратни меъёрга ушлаб туриш қобилиятини йўқотиши натижасида юзага келади.

Унинг асосий белгилари куйидагилар:

- кучли бош оғриғи;
 - терлашнинг тўхташи, тери қуруқ ва қизарган бўлиши;
 - тез-тез нафас олиши;
 - ўткир нафас қисиши;
 - бош айланиши;
 - қусиш ёки кўнгил айнаши.
- Оғир ҳолатларда беморда алаҳсираш кузатилади. Тана ҳарорати, ҳатто, 41-42 даражагача кўтарилиши, чучук беҳушлик ҳолати кузатилиши мумкин. Бундай пайтда беморни, энг аввало, салқин жойга кўчириб ўтказиш лозим. Сўнг

горизонтал ҳолда ётқизиблиб, оёқларини сал кўтариш, кийимларини ечиш, юзини совуқ сувда ювиш ва бирор хўланган матони юрак соҳасига қўйиш керак. Шунингдек, унга салқин ичимлик ёки қатқик ичириш ва зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим. Сабаби қуёш урган инсонга шошилиқ тиббий ёрдам кўрсатиш зарур.

Иссиқлик уришининг олдини олиш учун бир неча тавсияларга амал қилиш лозим. Хусусан, жазирама кунларда организм кўп сув талаб қилади. Шу боис сувсизланишнинг олдини олиш учун кунига 3

литр миқдорда суюқлик ичиш (совутилган кўк чой, газсиз минерал сув, мевали, кам ёғли сутли ичимликлар) лозим. Тўғри тушадиган қуёш нуридан сақланиш, ундан ҳимояловчи кремлар, кўзойнақлар ҳамда сояболлардан фойдаланиш керак.

Ёш болалар, кекса кишилар ва сурункали хасталиқлар (юркак томир, эндокрин, нафас олиш аъзолари, метоболик ва руҳий хасталиқлар) билан оғрийдиган беморлар иссиқлик уришига кўпроқ мойил. Шу сабабли уларнинг саломатлигини мунтазам кузатиб бориш мумкин.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТӨРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «МАHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 1 790 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.